

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

**MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH**  
(1834-1907)

# 2022

## FEVRAL

## №37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)





## COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Б.Э.Шарипова**

Тошкент Тиббиёт Академияси

Шарипова Барно Эргаш қизи +998997935467

gmail: barnosharipova1995@gmail.com

**Аннотация:** Бугунги кунда қандли диабет Covid-19 нинг оғир шакллари ривожланиши ва унинг оғирлашиши, ўлим кўрасткичларининг кўпайишида хавф омили сифатида характерланади. SARS-Cov2 тўғридан-тўғри эндокрин безларга таъсир қилиши ва беморларда проспектик прогнозлашни оғирлаштирадиган ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида аниқ бир ўрганилган тадқиқотлар кам ўрганилган. Маълумки, бир қатор эндокрин аъзоларла коронавирус инфекцияси учун нишонга айланиши мумкин, хусусан, ошқозон ости бези, қалқонсимон без, буйрак усти бези ва гипофиз шулар жумласидандир, чунки уларнинг эпителийси ангиотензин айлантурувчи фермент-2 (ААФ-2)ни ўзида сақлайди. ААФ-2 ошқозон ости безида ўпкага қараганда юқори. ААФ-2 ошқозон ости безининг ҳам экзокрин, ҳам эндокрин хужайраларида мавжуд. Ушбу маълумотларга асосланиб Covid-19 дан вафот этган қандли диабетли мавжуд беморлар статистик таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** Лангерганс оролчалари, экзокрин қисм, коронавирус инфекцияси, патоморфология, патогистология.

**Ишнинг мақсади.** Covid-19 да эндокрин ва экзокрин ошқозон ости безининг патоморфологик ўзгаришларини статистик таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети:** ЎзР ССВ РПАМ да 2021-йил июнь-сентябрь ойларида COVID-19 дан ўлганлар жами 216 нафар аутопсия материаллари ретроспектив таҳлил қилинди. Вафот этганлар чақалоқлик давридан 85 ёшгача бўлганларни ташкил этади. COVID-19 дан ўлганлар ёшига қараб 5 гуруҳга бўлинган: 1 гуруҳга 0-20 ёшгача бўлган (25 ҳолат: 16 аёл, 9 эркак); 20-29 ёшгача бўлган (9 ҳолат: 5 аёл, 4 эркак); 30-39 ёшгача бўлган (37 ҳолат: 18 аёл, 19 эркак); 40-49 ёшгача бўлган (27 ҳолат: 10 аёл, 17 эркак); 50 ёшдан юқори бўлган (119 ҳолат: 56 аёл, 63 эркак) кирди.

**Олинган натижалар:** 216 та ҳолатдан сурункали касаллик сифатида қандли диабет ва гипертония касаллиги мавжуд беморлар бор. Қандли диабет 63 та ҳолат (29,2%) ва гипертония касаллиги 100 та ҳолат (46,3%) ни ташкил этди. Вафот этганларнинг ёши ва жинсига COVID-19 ни оғирлаштириш даражасига яъни асосий касалликда фон, йўлдош ёки рақобатдош касаллик бўлиб келишига қараб боғлиқлиги мавжуд: қандли диабет фон касаллик сифатида 19 та ҳолатда (30%), йўлдош касаллик сифатида 39 ҳолатда (61,9%), рақобатдош касаллик сифатида 5 ҳолатда (7,9%) учраган; гипертония касаллиги фон касаллик сифатида 15 ҳолатда (15%), йўлдош касаллик сифатида 85 ҳолатда (85%), рақобатдош касаллик сифатида эса учрамаган. Шунингдек, COVID-19 дан ўлганлар орасида оналар ўлими ҳам учради. Булар 20-29 ёшли оналар ўртасида 2 та ҳолатда, 30-39 ёшли аёллар ўртасида 7 та ҳолат қайд этилди. Шуни таъкидлаш керакки, COVID-19 дан вафот этганлар орасида қандли диабет касаллигини оғирлаштирувчи сифатида келган. Қандли диабетнинг айнан 2-типи мавжуд 216 та ҳолатдан 63 тани ташкил қилади. Бундан ташқари, гипертония касаллиги ҳам қандли диабет каби COVID-19 нинг иккиламчи асоратлари келиб чиқишига сабаб бўлган.

**Хулоса:** COVID-19 да 2021-йил июнь-сентябрь ойлари давомида умумий ҳисобда 216 ўлим ҳолати кузатилди.

1. Қандли диабет билан боғлиқ ҳолатлар:
  - 1.1. Қандли диабет фон касаллик сифатида 19 та ҳолатда (30%);
  - 1.2. Қандли диабет йўлдош касаллик сифатида 39 ҳолатда (61,9%);
  - 1.3. Қандли диабет рақобатдош касаллик сифатида 5 ҳолатда (7,9%).
2. Гипертония касаллиги билан боғлиқ ҳолатлар:
  - 2.1. Гипертония касаллиги фон касаллик сифатида 15 ҳолатда (15%);
  - 2.2. Гипертония касаллиги йўлдош касаллик сифатида 85 ҳолатда (85%).
3. COVID-19 билан боғлиқ оналар ўлими 20 ёшдан 39 ёшгача бўлган аёллар ўртасида 9 та ҳолат аниқланди.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Багненко С.Ф., Беляков Н.А., Рассохин В.В., Трофимова Т.Н. и др. Начало эпидемии COVID-19.
2. Бордин Д.С., Кирюкова М.А., Шенгелия М.И., Колбасников С.В. Инфекция COVID-19 и органы пищеварения//Эффективная фармакотерапия. 2020. Т. 16.15. С. 12-16.
3. Внелегочные проявления COVID-19. Электронный ресурс. [https://euat.ru/covid-19/publications/vnelegochnyye\\_projavenija\\_covid\\_19](https://euat.ru/covid-19/publications/vnelegochnyye_projavenija_covid_19).
- Коган Е. А., Березовский Ю. С., Проценко Д. Д., Багдасарян Т. Р., Грецов Е. М., Демура С. А., Демяшкин Г. А., Калинин Д. В., Куклева А. Д., Курилина Э. В., Некрасова Т. П., Парамонова Н. Б., Пономарев А. Б., Раденска-Лоповок С. Г., Семенова Л. А., Тертычный А. С. Патологическая анатомия инфекции, вызванной SARS-CoV-2. Судебная медицина. 2020;6(2):8–30. <https://doi.org/10.19048/2411-8729-2020-6-2-8-30>
4. Патологическая анатомия COVID-19: Атлас / Зайратьянц О. В., Самсонова М. В., Михалева Л. М., Черняев А. Л., Мишнев О. Д., Крупнов Н. М., Калинин Д. В. Под общей ред. О. В. Зайратьянца. – Москва, ГБУ «НИИОЗММ ДЗМ», 2020. – 140 с., ил.
5. Рекомендация экспертов по стратегии контроля за глюкозы при диабете в сочетании с COVID-19. J Clin Intern Med. 2020; 37(3):215-219.